ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА АДАБИЁТНИНГ АЛОҚАДОРЛИК ҚОНУНИЯТЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА БАДИИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Шоймуротов Умиджон Қахрамон ўгли
Тошкент давлат педагогика университети
Кечки таълим бўлими ўқув ишлар бўйича декан муовини
Тел: +99897 262 70 06
Umidshoh05@gmail.com

Аннотация: Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб, ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. Санъат, кенг маънода, бадиий қадриятлар, уларни яратиш (бадиий ижод қилиш) ва истеъмол (бадиий идрок этиш) жараёнларини ҳам қамраб олади. санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ўзбекистон ҳудудида, Испания, Саҳрои Кабир ва бошқа бир қатор қадимий ўлкаларда учрайдиган қояларга ўйиб туширилган ҳайвонларнинг тасвирлари ҳозирги давр нуқтаи назаридан ҳам тариҳий ва бадиий–эстетик қийматга эга.

Калит сўзлар: Санъат, ижодкорлик, бадиий, қадрият, шахс, естетика, тасвир, тарих, замонавийлик, асар.

Аннотация: Искусство относится к творческому виду человеческой деятельности, в каждом произведении искусства проявляется особый талант личности. Искусство в широком смысле охватывает также художественные ценности, процессы их создания (художественное творчество) и потребления (художественное восприятие). искусство развивалось до настоящего времени в связи с развитием человечества. Изображения животных, высеченные в скалах, встречающиеся на территории Узбекистана, Испании, Сахары и ряда других древних стран, также имеют историческую и художественно–эстетическую ценность с точки зрения современности.

Ключевые слова: Искусство, творчество, художество, ценность, личность, эстетика, изображение, история, современность, произведение.

Annotation. Art refers to the type of creativity of human activity, in each work of art a person's own talent is manifested. Art, in a broad sense, also covers the processes of artistic values, their creation (artistic creation) and consumption (artistic perception). art has developed in connection with the development of mankind up to the present time. Images of animals carved into rocks found on the territory of Uzbekistan, in Spain, in the Sahara and a number of other ancient lands have both historical and artistic–aesthetic value from the point of view of the current era.

Key words: Art, creativity, art, value, personality, aesthetics, image, history, modernity, work.

Санъат кенг маъноли тушунчадир. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл–идроки, шуури билан яратилган, вужудга келган, ижодий жараён маҳсули. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб, ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. Ва ниҳоят, санъат инсоннинг маҳорати билан чамбарчас боғлиқдир. Санъат, кенг маънода, бадиий қадриятлар, уларни яратиш (бадиий ижод қилиш) ва истеъмол (бадиий идрок этиш) жараёнларини ҳам қамраб олади. санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ўзбекистон ҳудудида, Испания, Саҳрои Кабир ва бошқа бир қатор қадимий ўлкаларда учрайдиган қояларга ўйиб туширилган ҳайвонларнинг тасвирлари ҳозирги давр нуқтаи назаридан ҳам тариҳий ва бадиий–эстетик қийматга эга. Бу ёдгорликлар аждодларимизнинг бадиий фаолият соҳасидаги тасаввурларини примитив тасвирий талқинининг дастлабки намуналаридир. Бу натижаларда икки тоифадаги омилларни кўриш мумкин. Биринчиси, бевосита ўтмишдаги одамларнинг ўй–фикирлари, кенг маънода тафаккурларнинг маҳсули бўлса,

иккинчисидан, ижтимоий–маиший эҳтиёж сифатида яратилган. Зеро, санъат тарихий тараққиёт жараёнида ҳамиша ижтимоий эҳтижларни қондириб келган. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, ранго–ранг муносабатлари билан алоқадор бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнатнинг алоҳида тури, ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг махсус соҳаси, ҳам ижтимоий онгнинг бир шакли, ҳам ўзига хос билим соҳаси, ҳам ижодий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида амал қилади. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил бир соҳаси бўлиб, ўзига хос қонуниятлари вазифаларига кўра у алоҳида жамият бирлигини ифодалайди. Санъат жамиятнинг барча томонларига таъсир ўтказади, ижтимоий онгнинг барча шакллари билан алоқага киришади, ҳаётнинг турли жабҳаларида одамлар фаолият олиб боришларини рағбатлантиради. Мукамал санъат асари эса юксак интелектуал, бадиий тафаккур негизида вужудга келади. Айниқса муайян соҳаларнинг қонуниятларини синтетик татбиқига асосланган ижодий жараён бадиий тафаккурни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида аҳамиятлидир.

Санъат билан ижтимоий ҳаётни боғлаб турадиган жуда кўп воситачи ҳалқалар мавжуд. Ҳар қандай бадиий ҳодиса–муайян асар, услубий йўналиш бўлсин, улар вужудга келиши ва ривожланишида диний, ахлоқий амалларнинг таъсир кучи даражаси билан белгиланади, баҳоланади, ўлчанади [2].

Санъат тараққиётининг нисбий мустақиллиги шу билан изоҳланадики, жамият бадиий равнақининг даражаси ҳамма вақт ҳам унинг иқтисодий тараққиёти даражасига мос келавермайди. Санъатнинг тараққиёти ёки таназзули, унинг у ёки бу тури, кўринишининг ёрқин ифода топиши аниқ ижтимоий муносабатлар табиатига, муайян гуруҳий кучлар нисбатига, мафкуравий ҳаёт хусусиятларига, жамиятда шахс эгаллаб турган мақомига, албатта, боғликдир. Масалан, қадимги дунё санъатининг равнақи бир қатор шарт–шароитлар ва омилларнинг бир–бирига мос келиши ва ўта қулай вазиятнинг вужудга келиши орқасида қарор топди. Санъатнинг жамият ҳаётида нисбий мустақил амал қилиши ворисийлик қонуниятининг намоён бўлиши билан ҳам боғлиқ. Ворисийлик фақат санъатга хос булган ҳодиса эмас. У ижтимоий онгнинг ҳамма шаклларига тааллуқлидир. Ворисийлик жамият моддий асоси билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ҳуқуқий онг соҳаларида кўпроқ намоён бўлади. Шундай бўлса–да, санъатнинг асл мазмуни ва моҳиятини, унда тасвирланаетган эстетик воқелик, аввало,ижодкорнинг бадиий тафаккури даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам бўлажак ижодкорнинг, бизнинг мисолимизда талабанинг бадиий тафаккурини ривожлантиришни муҳим ижтимоий–педагогик аҳамият касб этади [2].

Шу тариқа ижодкорнинг бадиий тафаккурини ривожлантириш ўзиг хос қонуниятлар билан бойиб борган ҳамда ворисийлик принципи асосида назарий жихатдан такомиллашиб борган. Зеро, ворисийлик маънавий ҳаётнинг ҳаётнинг барча жабҳаларида мавжуд. Айниқса, ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи иқтисодий заминдан анча йироқ бўлган санъатда ворисийлик ёрқин, тўла, ҳар томонлама тарзда намоён бўлади. Санъатнинг ҳамма қирралари–мавзу йўналиши, ғоявий–руҳий қоида ва тартиб, ижодий ақидалари, услуби, тур ва жанрларининг ифодали воситалари айнан ворисийлик асосида назарий жихатдан ривожланиб боради.

Бадиий тафаккурнинг муҳим компетенцияларидан бири ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида бўлганидек, санъатда ҳам билиш ва мафкура бир–бири билан синтетик тарзда, ўзаро боғланиб кетган. Турли тарихий босқичларда ва санъатнинг турли кўринишларида билиш ва мафкура ўзаро мутаносибликда амал қилади. Санъатнинг билиш жараёнидаги бурч–вазифаси бадиий адабиёт воситасида яққол кўзга ташланади. Санъат билишнинг алоҳида тури сифатида мушоҳада этилганда, одатда, бадиий адабиёт асарларига суянилади. Мусиқанинг билиш–англаш имкониятлари бадиий адабиётга нисбатан бироз чекланганлиги маълум. Лекин воқеликни алоҳида нозиклик, сезгирлик, самимийлик руҳида талқин этишда мусиқанинг аҳамияти катта. Мусиқа одамларнинг руҳий ҳолатини,

ички дунёсини, кечинмаларини, ҳис–туйғуларини бетакрор нозик оҳанг–куйларда ифодалайди. Худди шунга ўхшаш бурч–вазифани меъморлик ҳам бажаради. Одамлар эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ санъат тури бўлган меъморликда давр хусусиятлари ва белгилари, одамлар маиший ҳаёти, дид–фаросатлари, этетик ғуссалари умид–орзулари акс этади. Бу параметрларни жамланмаси сифатида эътироф этилиши мумкин бўлган мукаммал меъйорий иншоотлар, ансамбиллар, аввало, меъморнинг бадиий тафаккури билан муайян назариялар, ғоялар, конуниятлар асосида тасвирий санҳатда ҳам қўлланилади.

Санъат ўз мавзуи доирасида бўлса ҳам фан сингари беқиёс билиш–англаш имкониятларига эга. Лекин санъатнинг бадиий билиш–англаш жараёни ўзига хос хусусиятлар доирасида содир бўлади. Санъат воқеликни бадиий воситалар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради [5].

Юқорида келтирилган қонуниятлар санъатнинг барча турларига тааллуққли бўлсада, алоқадорлик нуқтаи назаридан адабиёт ва тасвирий санъатнинг алоқадорлиги яққол намоен бўлади. Чунки, санъатнинг бу турлари учун эса инсон ўзининг биологик, руҳий, ижтимоий–гуруҳий, миллий–аждодий ва соф якка ҳолдаги барча белги ва хусусиятлари жиҳатидан ўзаро боғланиб, қоришиб кетган яхлит, ягона, нодир, қайтарилмас шахс қиёфасида бош мавзу бўлиб хизмат қилади. Санъат воқеликнинг барча жозибали ҳусусиятларини, гўзаллигини қамраб олишга қодир [3].

Фан ва техника инсон ҳаётида қандай улкан аҳамият касб этишидан қатъи назар, санъатда устувор аҳамиятли мақомга эга бўлиши мумкин эмас. Санъатда фан одамлар учун яратиладиган инсоний фаолият тимсоли бўлиб хизмат қилади. Мабодо илмий–техник, экологик, бошқарув муаммолари, ҳис–туйғулари маънодан маҳрум этилса, у ерда санъат бўлмайди. Санъат ҳиссиётлар, туйғулар билан тирик, у ҳиссий таъсир этиш, ибрат кўрсатиш, тарбия бериш қудратига эгадир. Бу сифатлар адабиёт билан тасвирий санъатга бирдек алоқадор [4].

Санъатда инсон ҳамма вақт ҳам бевосита ифодаланмайди. Масалан, тасвирий санъатнинг манзара ёки натюрморт жанрида инсон образи ифодаланмайди. Бу ҳол инсон мазкур санъат асарларида акс этмайди, деган эмас. Манзара тасвири инсон ҳис–туйғуларининг энг нозик ва энг жозибали қирраларини намоён этади. Масалан, Ўрол Тансиқбоев, Неъмат Қўзибоев, Раҳим Ахмедов, Рўзи Чориев, Муҳамадиер Тошмуродов, Абдували Муминов каби мусаввирларнинг манзарали тасвир жанрдаги асарлари орқали инсонда ёрқин маюслик, беозор шодлик, ташвишли эҳтирос, кўтаринки руҳ, ҳаётбахш орзу–умидлар, ижодкорлик ва яратиш ҳис–туйғулари уйғотади. Бу асарларда инсонда ҳис–туйғулар, хилма–хил кечинмалар қўзғаб, инсон дилига, унинг руҳига таъсир ўтказиш билан санъат ва инсон яхлитлигини, ҳамоҳанглигини пайдо қилади. Худди шундай тасвирий ифодани адабиетда ҳам кўриш мумкин. Демак, адабиет ва тасвирий санъатнинг алоқадорлик қонуниятлари мажозий образлар тасвири билан ҳам муштараклик касб этади [1].

Тасвирий санъатнинг натюрморт жанри кўпроқ жонсиз нарсалар–мевалар, гуллар, таомлар, ҳар хил буюмлар, ичимликлар тасвиридан иборат бўлиб, уларда одам аксини кўрмасакда, бу хил асарлар мавзуи барибир инсон, унинг ҳаёти ҳақида эканлигини англаймиз. Голланд мусаввири Вилем Хеданинг «Сомса билан нонушта» натюрмортида ўта маҳорат билан чизилган қадаҳ, ғижимланган дастурхон, унга тўкилган май тасвирларини идрок этар эканмиз, нафақат шиша сатҳини, дастурхон сифат кўринишини, эҳтиёцизликдан тўкилган майни, балки инсон илиқ нафасини, унинг қўллари мазкур манзарага тааллуқли эканини яққол ҳис этамиз.

Шундай қилиб, санъат нафақат инсоннинг ўзини, балки унинг идрок этиши мумкин бўлган барча нарсаларни, воқеа–ҳодисаларни акс эттириб, ҳиссий туйғу келтириб чиқаради. Санъат инсонни бевосита акс эттирмасада, бирор нарсага инсон муносабатини

ифодалайди, бирор нарсани инсон мезони билан баҳолайди. Баҳолашда эса ҳамиша инсон моҳиятини англашга қаратилган билиш ҳолати мавжуддир. Санъат нарсаларда, табиат ҳодисаларида инсон учун аҳамиятли бўлган маъно излайди, қидириб топади ва ишга солади. Санъат воқеликнинг ҳар қандай ҳодисасида ижтимоий маъно пайдо қилади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев А. Жажда прекрасного. КИЖИ. «Правда востока» Т.., 1984
2. Кожинов В. Санъат турлари. Т., 1962.
3. Қўшжонов И. Адабиёт ва эстетика. Т.., 1981й.
4. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. Т.., «Ёзувчи» 2000й
5. Умаров Э. Эстетика. Т., Ўзбекистон 1995.
6. **U.Shoymurotov FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' ARTISTIC THINKING** MODERN DIRECTIONS OF SCIENTIFIC RESEARCH DEVELOPMENT Proceedings of VII International Scientific and Practical Conference Chicago, USA 22-24 December 2021
7. **U.Shoymurotov** BADIIY TAFAKKURNING TARIXIY RIVOJLANISH BOSQICHLARIGA NAZAR Муғаллим ҳем билимлендириў Илимий-методиккалық журнал ISSN 2181-7138 №5/2 2021 жыл
8. **U.Shoymurotov** TALABALARDA BADIIY TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISH DOLZARB MUAMMO SIFATIDA ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР:10-ҚИСМ 2022 YANVAR №36